



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 6 январь, № 3 (6961) Шанба

Сайтнинг узун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ЎН НАФАР ЕТАКЧИ РЎЙХАТИДА



Дунё жамоатчилиги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни диққат билан кузатиб бораётгани баробарида уларга юқори баҳо беришда давом этмоқда. Хорижлик экспертларнинг фикр билдиришларича, мамлакатимизда кечаётган ҳозирги ўзгаришлар нафақат маҳаллий, балки умумий халқро аҳамиятга эга бўлаётир.

Жумладан, Туркиянинг етакчи иқтисодий нашрларидан бири — «Derin Ekonomi» журнали шарҳловчилари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни ўз мамлакат ва минтақасидаги вазиятлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишига қодир бўлган жаҳоннинг биринчи ўн нафар етакчиси рўйхатига киритди.

«Derin Ekonomi» журнали рейтинг Туркиядаги бошқа бир етакчи нашр — «Yeni Şafak» газетаси томонидан ҳам кўчириб босилди. Мазкур рўйхатдан муҳим аҳамиятга молик қарорлари билан ўз мамлакатлари ҳамда минтақаларидаги мавжуд вазиятни ўзгартириб юборадиган ва бу билан халқро майдондаги вазиятга фаол таъсир кўрсатадиган ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг «ньюсмейкери», яъни уларнинг диққат-эътибори объекти бўлиб келаётган етакчилар номлари жой олди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланган биринчи кунлардан оқибатда мамлакатни ялли либераллаштириш, «ҳар ерда ҳозиро номир» бўлган ҳуқуқ-тартибдор идоралари фаолиятини тартибга солиш, диний эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган чуқур ислохотларни ҳаётга татбиқ қилмоқда.

Таъкидланганидек, янги раҳбарият бошчилигида Ўзбекистонда мамлакатни амалда эркин бозор сари ҳаракатлантиришга ва ташқи савдо ҳамда валюта сиёсатини либераллаштиришга йўналтирилган ўта муҳим қарорлар қабул қилингани

«Жаҳон» АА.
Анкара

Фарҳод ҚУРБОНОВЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Хорижлик экспертлар:

Ўзбекистон ривожланишнинг янги, демократик даражасига чиқиб олди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси аҳоли томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватланди, мамлакатда туб ислохотларни амалга ошириш учун дастурий асос ҳозирлади. Хорижлик экспертлар «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари билан мулоқотлар чоғида ана шундай фикрни билдиришмоқда. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЭЪТИРОФ

Маттас Дорнфельдт, Кавказ ва Каспий тадқиқотлари Европа институти директори (Германия): — Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимида қисқа вақт ичида улкан ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Халқ ва ҳукумат ўртасида кўприк вазифасини ўтаётган Виртуал қабулхонанинг дунёда муқобили йўқ. Бу шафони дунёда жамоатчиликнинг давлат тизимларига ишончини оширади, коррупцияни минимум даражага туширади. Иқтисодий соҳасида кўпгина янгиликлар рўй берди: валюта бозорининг либераллашуви, сармоя учун объект сифатида Ўзбекистон жозибдорлигининг ошиши, сайёҳлик имкониятларининг кенгайиши, солиқ тизими

ҳамда бошқона расмийлаштиришларидаги ўзгаришлар... Булар муҳим мисолларнинг айримларигина холос. Бироқ бу ҳали бошланиши. Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь кунин миллий парламентга Мурожаатнома билан юзланаркан, ўзбек жамияти ҳаётининг барча соҳасини тубдан ўзгартиришни кўзда тутовчи концепциясини тақдим этди. Мамлакат раҳбари олдинда турган ислохотларни батафсил баён қилди, улар шу пайтга қадар давлатнинг ривожланишига ҳалақат бериб келган тизимни ўзгартиришни лозим. Бу дадил қадамдир. Ва бунда мамлакат етакчиси аҳоли томонидан қатъий қўллаб-қувватланаётгани баробарида, жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари ўртасида катта ҳурмат қозонаётир.

Бен Же Ил, «Корея — Ўзбекистон» парламент дўстлик ассоциацияси раиси (Корея Республикаси): — 2017 йил давомида Ўзбекистон халқи барча соҳада диққатга сазовор муваффақиятларга эришди: мамлакатда сиёсий барқарорлик ҳукм сурмоқда, иқтисодий ўсиш таъминланаяпти, хорижий сармоялар кўпайтириб, аҳоли фаровонлиги даражаси муттақил ўсиб бормоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда кўпдан-кўп давлатлар ҳамда ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни фаол ривожлантираётган Ўзбекистон Республикаси жаҳон сиёсатининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган.

Утган вақт давомида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли ислохотлар мамлакатнинг тўғри йўлдан ҳаракатланаётганини кўрсатапти. Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев вазиятни яхши томонга ўзгартиришни истади. Давлат раҳбари томонидан 2018 йил Ўзбекистонда «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилингани хорижлик сармоядорларга республикада янада фаол иш олиб боришлари учун муҳим даъват ҳамда рағбатдир.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОХОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД — АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 январь кунин Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Зангиота туманидаги «Highway Logistics» логистика марказига ташриф буюрди. Кўп тармоқли хизмат турларини ўзида жамлаган, замонавий қулайликлар яратилган марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Грузия каби давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси ўрганилди. Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёд ва ҳудуди 14,2 гектар бўлган марказда 350 иш ўрни яратилган. Унинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг тоннага тенг.

Марказ ҳудудида бошқона бўлими ташкил этилган. Бу ерда марказлашган маҳсулотлар омбори, бошқона пости, банк, декларация тўлдириш, сертификатлаштириш ва кўриқдан ўтказиш бўлимлари, логистика хизматлари кўрсатиш, товар жўнатиш ва қабул қилиш компаниялари, бошқона брокерлари фаолияти йўлга қўйилган.

Бу каби логистика марказларини ҳар бир вилоятда ташкил қилиш керак, деди Шавкат Мирзиёев. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлашда замонавий технологияларни қўллаш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди. Шу ернинг ўзида Тошкент вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш, 2018-2019 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорвачилик, иссиқхона ҳўжалигини ташкил этиш, чарм-поябзал соҳасини ривожлантириш дастурлари тақдими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Зангиота маҳмусясини зиёрат қилди. Утганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янгийўл шаҳридаги «Файли» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди. Шу ерда Янгийўл шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси, шаҳардаги кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш дастури ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Янгийўл шаҳрида қарийб 87 минг аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда 241 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади. Давлатимиз раҳбари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жорий йилда Янгийўл шаҳридаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш, 7 қаватли 12 та янги уй-жой қуриш, замонавий боғ, бозор, супермаркет, кўприк барпо этиш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизга тақдим қилинган лойиҳалардан шаҳарда оқова сув тармоқларини реконструкция қилиш ва янгилаш дастури, Қибрай ва Зангиота туманларида сув таъминотини яхшилаш, Чирчик шаҳрининг иссиқлик тизимини такомиллаштириш каби маълумотлар ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари «Файли» маҳалла фуқаролар йиғини профилатика инспектори Анвар Тошевнинг хонадонида бўлди. Бугунги кунда ушбу маҳаллада 4 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шавкат Мирзиёев маҳалла аҳоли билан мулоқот қилди.

Кейинги манзил Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўлди. Шавкат Мирзиёев тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан танишди. Беморлар аҳоли, турмуш шароити билан қизиқди, мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари шифохонанинг кардиология бўлимида даволанаётган Зулайхо Алиева билан суҳбатлашди, унинг турмуш шароити, оиласидаги аҳвол билан қизиқди. Шу куннинг ўзида Президентимиз топшириғига биноан 3. Алиева пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига даволанишга юборилди. Шунингдек, ушбу оилга уч хонали янги уй ажратилади бўлди.

Янгийўл туманида 262 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туман тиббиёт бирлашмасининг биринчи биноси 1912 йилда қурилган. Сўнгги биноси 1979 йилда фойдаланишга топширилган. Кейинги йилларда биноларда қисман таъмирлаш ишлари бажарилган. Бугунги кунга келиб шифо масканининг аксарияти бинолари маънан эскирган. Тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражаси ҳам замон талабларига жавоб бермайди. Оддий ҳолатларда ҳам беморлар пойтахтдаги тиббиёт масканларига қатнаб, муолажа олишга мажбур бўлмоқда.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад одамларни рози қилиш, саломатлигини янада мустаҳкамлашдир, деди Президентимиз. Жойлардаги аҳоли билан танишаётганимиз, тиббиёт муассасаларидаги шароитларни ўрганаётганимиз келгуси ишларимизни тўғри йўлга солишга яхши самара беради.

Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудуди салкам 10 гектар. Давлатимиз раҳбари 20 дан арқин келажакда 5 гектарда 20 гектар ёйна-лишларда хусусий, қолган қисмида давлат тиббиёт муассасалари ташкил этиш, уларни энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимиз Қуйи Чирчик туманидаги «Каноп» заводи ҳудудида бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва агрегатларини кўздан кечирди, аграр соҳани ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида етиштирилаётган хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қараганда барча жараённи ўз ичига олган кластерлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бундай чоратадбирлар яхши натижа бермоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Пискент, Ўрта Чирчик, Қуйи Чирчик, Оққўрғон ва Бўка туманларида ташкил этиладиган пахта-тўқимачилик кластер лойиҳалари билан танишди. Хусусан, Қуйи Чирчик туманида 2018 — 2020 йилларда пахта етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қараганда бугун ҳаётининг ўзида тўла жамлаган кластер лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 59 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб этилади, 600 дан ортқк иш ўринлари яратилади. Жорий йилда мамлакатимизда 60 дан зиёд ана шундай лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Қуйи Чирчик туманида «Gold Agro Standart» масъулияти чекланган жамияти томонидан гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган қиймати 7 миллиард сўмлик чорвачилик фермаси ташкил этилмоқда. 2018 йилнинг тўртинчи чорағида ишга туширилиши режа-

лаштирилган мазкур мажмуа аҳолига йилга 360 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб беради. Лойиҳа амалга оширилгач, 25 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Бекобод туманида агрологистика маркази ташкил этиш лойиҳасида мева-сабзавотларни музлатиш, қуриштириш, қадоқлаш ва сақлаш кўзда тутилган. Умумий майдони 2,5 гектар бўлган марказ 2019 йилнинг учинчи чорағида ишга туширилади. Бунинг натижасида 200 нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Йилга 8,6 миллион долларлик маҳсулот Япония, Жанубий Корея ва Европа иттифоқига экспорт қилинади.

Шунингдек, Тошкент вилоятида амалга оширилаётган чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни янада ривожлантириш, қаноп етиштириш, шолни қайта ишлаш, спорт ва хизмат отлари учун карантин ҳамда ветеринария хизмати кўрсатиш бўйича ва от заводи мажмуаси, иссиқхоналар ташкил этиш каби лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида аҳоли, жамоатчилик вакиллари билан ўтказган учрашув ва мулоқотлари чоғида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ота-оналардан бўлган муножаатларда умумтаълим мактабларида 10-11-синфларни ташкил этиш юзасидан қўллаб-қувватлаш билдирилди.

2017/2018 ўқув йилидан мактабларда 10-синфлар ташкил қилингани муносабати билан касб-ҳўнар коллежларининг бўш ётган биноларидан янада самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Президентимизга Оққўрғон туманидаги собиқ касб-ҳўнар коллежлари биносидан самарали фойдаланиш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, хўнармандчилик тўғрисидаги ташкил этиш лойиҳаси билдирилди. Оққўрғон қурилиш ва коммунал ҳўжалиги коллеж биносидан ёшларни касбга тайёрлаш ва миграция маркази ташкил этиш, «Жамоатчилик маркази», «Оққўрғон савдо маркази» каби лойиҳалар ўрин олган.

Бўш турган объектларни сотишда очиллик ва адолат тамойилларига амал қилиш зарур. Бунинг учун электрон савдоларни йўлга қўйиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда туман марказини замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида қайта қуриш, эски бозорни янги жойга кўчириш ва ўрнида кўркам боғ барпо этиш, шаҳар Бош режаси лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди. Президентимиз лойиҳалар билан танишар экан, уларни янада такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш лозимлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти иқтисодийнинг ривожлантириш, молиялаштириш манбасини кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш, ижтимоий шароитни яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ф. Ибрагимов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ф. И. ИБРАГИМОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ҳуломжон Иномович Ибрагимов Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 январь

«HIGHWAY LOGISTICS» МАРКАЗИ ХАЛҚРО САВДО АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шарқ ва Фарб мамлакатлари ўртасидаги тарихий-маданий, савдо-иқтисодий алоқалар ривожидида Буюк Ипак йўли муҳим ўрин тутган.

Глобаллашув ва интеграциялашув жарағида Буюк Ипак йўли аъёнларини қайта тиклаш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг минтақда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфраструктурасининг ривожлантириш, халқро транспорт коммуникацияларига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлашдаги интилишлари ҳам ана шундай мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли.

(Давоми 2-бетда).

«HIGHWAY LOGISTICS» МАРКАЗИ ХАЛҚАРО САВДО АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тошкент вилояти, Зангиота туманида "Highway Logistics" замонавий логистика марказининг қад ростилагани бу борадаги эзгу интилишларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 январь кун Тошкент вилоятининг Зангиота туманига ташрифи чоғида ушбу марказ фаолияти билан яқиндан танишди.

Кўп тармоқли хизмат турларини ўзида жамлаган, барча қўлайликка эга марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франция, Россия, Грузия, Қозоғистон каби давлатларнинг логистика соҳасидаги тажрибаси ўрганилди. Ички ва ташқи бозор кўрсаткичлари, талаблари инobatта олиниб, халқаро ва миллий миқёсда юк ташуви хизматларини кўрсатиш, юкларга тезкор ва сифатли ишлов бериш, уларни жўнатиш тармоғи барпо этилди.

Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёти ташкил этган, ҳудуди 14,2 гектар майдонга тенг марказда 350 иш ўрни яратилди. Корхонанинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг

тоннани ташкил этади.

— Мазкур лойиҳа мамлакатимиз ва хорижий тadbиркорларнинг экспорт ва импорт салоҳиятини ошириш, уларга сифатли хизмат кўрсатишни назарда тутди, — дейди "Highway Logistics" маркази бошқаруви раиси Анвар Турдалиев. — Яъни хорижий юк автомобиллари пойтахт ҳудудида қирмаган ҳолда, шаҳар экологик инфратузилмасига зиён етказмай, юкларни мамлакатимиз ҳудудида олиб кириш ва чиқиш ишларини ушбу логистика марказининг ўзида амалга ошириш имконияти мавжуд.

Марказ ҳудудида божхона бўлими ташкил этилган. У ерда марказлашган маҳсулотлар газнаси, божхона пости, банк, декларация тўлдиритиш, сертификатлаштириш ва қўриқдан ўтказиш бўлими, логистика хизматларини кўрсатувчи, товар жўнатиш ва қабул қилиш компаниялари, божхона брокерлари фаолияти йўлга қўйилган. Барча хизматлар "Ягона дарча" маркази орқали амалга оширилади.

Маълумотларга кўра, юк ташуви автомобиль ҳайдовчиларининг кунлик харажатлари хорижий давлатларда ўртача 35 — 40 АҚШ доллари атрофида

баҳоланади. "Highway Logistics" марказида эса уч маҳал иссиқ овқат, меҳмонхона хизмати ҳамда автотурагоҳ учун ўртача 20 АҚШ доллари миқдорига ҳақ тўлаш кифоя.

Логистика марказида хорижий юк автомобилларини қайд этиб бориш тизими мавжуд. Бу хорижий юк машиналарининг орта қўшимча юк ташуи орқали харажатларини қоплаш, ўз навбатида, экспорт товарларини икки баравар арзон нархларда манзилига элтиш имконини беради. Натijaда экспорт қилинаётган товарлар учун йўл харажатлари қайтариб, маҳсулот таннархи арзонлашади.

— Ушбу тизим хорижий корхоналарга қўшимча қўлайликлар яратиб, тўридан-тўғри ҳамкорлик қўламини кенгайтириш имконини беради, — дейди "Highway Logistics" маркази бошқаруви раиси ўринбосари Дониёр Сотволдиев. — 2017 йил ҳолатига кўра, пойтахтимиз ҳудудида қириб келган 30 минг юк автомобилнинг ўртача 70 фоизини хорижий юк ташуви автоуловлар ташкил этади. Шу маънода, бундай хизматларнинг марказимизда йўлга қўйилиши хорижий валюта тушумини оширишга ҳам хизмат қилади. Марказда янада қўлай ша-



роитлар яратиш мақсадида модель, миллий таомлар ошхонаси, автомобилларга барча турдаги техник хизмат кўрсатиш шохбчалари, эҳтиёт қисмлар дўкони, 150 ўринли автотурагоҳ, маҳсулотларни сақлаш учун музлаткич омборлари, тезкор божхона ва брокерлик хизматлари йўлга қўйилган.

"Highway Logistics" маркази "WMS Axelot" омборни бошқариш, "Hormann" юк тушириш станцияси, хавфсизлик мультимедиа маркази ва ҳудудда узлуксиз видеокузатувни амалга оширадиган замонавий бошқарув тизимига эга.

Айни пайтда марказда бир вақтнинг ўзида 20 та юк машинага юкларни расмийлаштириш, божхона қўриқдан ўтказиш хизматлари кўрсатиш имконияти мавжуд. Жорий йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топширилган режалаштирилган "А" классдаги омборнинг ишга тушиши билан бир вақтнинг ўзида қўшимча 30 автомобилга хизмат кўрсатиш мумкин бўлади.

— Президентимиз "Highway Logistics" марказида ташкил қилинган божхона бўлими, мавжуд техникалар, транспорт қатнови ва маҳсулотларни ортқиш ҳамда етказиш тизими билан танишиш асосида қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотларини етиштириш

Улўбек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Хорижлик экспертлар: Ўзбекистон ривожланишининг янги, демократик даражасига чиқиб олди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кудайбергенов Ержан, Қозоғистон Республикаси парламенти депутати:

— "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилмоғи керак" деган гоя Ўзбекистон раҳбари фаолиятининг энг асосий тамойили бўлиб қолди. Виртуал ва Халқ қабулхоналари фуқаролар муро-

жаатлари билан ишлаш бўйича ўзига хос демократия институтига айланди. Аҳолининг ўзи сайлаган етакчига бўлган ишончи республикада халқ ҳокимияти сўзга эмас, балки амалда эканлигини тасдиқлайди.

Ирина Черних, Қозоғистон Стратегик тадқиқотлар институти бош илмий ходими:

— Мурожаатноманинг ўзи сингари Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналарида мазкур нуқта тўғрисида тўғри эфир орқали танишиш биринчи марта ташкил этилди. Бу эса Ўзбекистонда давлат-ижтимоий муносабатлари либераллашуви ҳамда реал демократия ўзгаришлар рўй бераётганининг яққол далolatидир.

латни ислоҳ этишнинг энг муҳим масалаларида, қонунлар муҳофазатига янада фаол, жумладан, янги ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда, қатнашишга жалб қилиш зарурлигига яна бир бор ургу берди.

Маълумки, 2017 йил Ўзбекистонда "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун" шиори остида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинди. Мамлакат етакчиси ўз Мурожаатномасида фуқароларни дав-

латни ислоҳ этишнинг энг муҳим масалаларида, қонунлар муҳофазатига янада фаол, жумладан, янги ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда, қатнашишга жалб қилиш зарурлигига яна бир бор ургу берди.

Сулейман Эрдем, "Sahipkiran" стратегик тадқиқотлар маркази (SASAM) директори (Туркия):

— Мазкур Мурожаатномада ривожланишининг янги босқичига олиб чиқишга қаратилган янги ва кучли гоялар кўпдир. Унинг мазмунини ўтган йиллар давомидаги чиқишлар билан таққослаш таҳлили мамлакатда давр ўзгарганигини таъкидлаш имконини беради. Масалан, Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувида жиддий камчиликлар мавжудлигини дадиллик билан эътироф этар экан, концептуал муқобил тараққиёт йўлини ҳам тақдир қилди.

тиришининг бугунги замонага мос келмайдиган тизими ҳамда молиявий кўрсаткичларга қаратилган янги ва кучли гоялар кўпдир. Унинг мазмунини ўтган йиллар давомидаги чиқишлар билан таққослаш таҳлили мамлакатда давр ўзгарганигини таъкидлаш имконини беради. Масалан, Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувида жиддий камчиликлар мавжудлигини дадиллик билан эътироф этар экан, концептуал муқобил тараққиёт йўлини ҳам тақдир қилди.

Давлат раҳбари тўпаниб қолган муаммоларни муҳокама этишдаги кўпгина талқинларни олиб ташлади, Давлат бюджетини шаклланди.

Шунинг учун бугун ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ривожланишининг янги, демократик даражасига чиқиб олди, давлат органларининг халқ билан мулоқоти эса аллақачон доимий меъёрга айланмоқда.

Месут Эмре Каракоз, Туркия вазирлар кенгаши ҳузуридаги Ахборот ва матбуот бошқармаси эксперт-таҳлилчиси:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий адолат, ҳалқ фаровонлиги ва инсон манфаатлари тамойили энг муҳим масалага айланган. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга тақдим этган мазкур Мурожаатномаси — мамлакат демок-

ратлашуви ҳамда фаровонлашувидаги янги ҳамда муҳим босқич демак. Давлат органлари ва фуқаролар ҳамияти ҳамкорлигида мулоқот янги шакл қарор топмоқда, яратувчанлик, янги-ча фикрлаш рағбатлантириляпти.

«Жаҳон» АА.



Мухоммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

2018 йилнинг 5 январь кун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида парламентимиз турли соҳаларни тубдан яхшилашга қаратилган самарали қонунларни ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу боисдан ҳам депутатлар қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалда рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Мажлиси "Медиация тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишдан бошланди. Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда низолатларни мустақил шахслар — медиаторлар иштирокида бартараф этишнинг муқобил усулларини ривожлантириш ҳамда судлар зиммасидаги юкни енгиллаштириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шу маънода, депутатлар мамлакатимизда маҳалла оқсоқоллари азал-азалдан қўшилган, оила аъзолари, эр-хотин ва ҳокзалар ўртасидаги можораларни ҳал этиш вазифасини бажариб келганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бундай амалиёт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тако-

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганидан сўнг ҳуқуқий асосга эга бўлди. Ушбу қарор фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурига ташкил этилган ярашув комиссияларининг фаолиятини тартибга солиди. Бунда, депутатлар таъкидлаб ўтишганидек, мазкур тартиб-таомиллар "медиация" атамаси билан номланмайдди. Медиация деганда можорани ҳолис, адолатли, ушбу можордан манфаатдор бўлмаган учинчи томон — медиатор иштирокида ҳал этишнинг муқобил шакли тушунилади. Медиатор томонларга низо юзасидан муайян битим тузишга ёрдам беради. Медиацияда томонлар низо бартараф қилишга ҳамда уни ҳал этиш шарт-шароитларига доир қарор чиқариш жараёнини тўлиқ назорат қила оладилар.

Депутатларнинг таъкидлашича, низоларни ҳал этишда медиацияни қўллаш вақтни тежаш ва низолашувчи томонларнинг — фуқаролар, ташкилотларнинг, шу жумладан, тadbиркорлик субъектларининг суд харажатларини қисқартириш имконини беради. Улар ўзлари ўртасида юзга келган низоларни судга олиб бормасдан, адвокатларни жалб этмасдан ва суд муҳокамаси билан боғлиқ давлат божи ва харажатларни тўламасдан ўзаро манфа-

атли шартлар асосида ўзлари учун қўлай жой ва вақтда тез ҳамда арзон ҳал этиш имкониятига эга бўладилар. Шундай қилиб, томонларда юзга келган низо тиз хал этиш имконияти пайдо бўлади.

Шу билан бирга, "Медиация тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши низолатларни судга қадар бартараф этишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмига яратишни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шундан сўнг депутатлар "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар. Депутатлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ, тўридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар. Шу тўғрисида ҳам кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси муҳим аҳамиятга моликдир.

Бундан ташқари, дунёнинг айрим мамлакатлари халқаро тажрибасини ўрганиш шунинг кўрсаткичи, АҚШ, Чили, Россия Федерацияси, Беларусь ва Қозоғистон сингари мамлакатлар давлат харидларининг энг самарали тизимига эга бўлиб, уларда хариднинг бутун жараёни ағона ҳўжат — қонун билан тартибга солинадди.

Мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳаси давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, амалиётдаги мавжуд қарама-қаршиликлар ва эскирган нормаларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Депутатлар қонуннинг қабул қилиниши давлат харидлари тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини оширишни алоҳида таъкидладилар. Чўночи, қонун

лоийҳасида давлат харидларининг махсус ахборот порталини очиш назарда тутилмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимизда давлат харидларининг аниқ тизими йўлга қўйилди, у бюджет маблағлари ва бошқа молиявий маблағлардан юқори даражада самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлайди. Ўз навбатида, бу чора-тадбирлар ушбу соҳадаги соғлом рақобатни мустаҳкамлашга ва коррупция ҳолатларини истисно этишга хизмат қилади.

Шундан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуқтаи ҳудуди тўғрисидаги Шартомани (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Шартомда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг давлат чегаралари туташган нуқтасининг ҳудуди жойлашган ер ҳамда туташган нуқта ҳудудидаги давлат чегаралари линиялари ўтадиган жой белгилаб қўйилган, шунингдек, тегишли тавсиф тузилган.

Мазкур ҳуқуқий ҳўжатларни муҳокама қилиш сиёсий партиялар фракцияларининг нуқтаи назарини инobatга олган ҳолда ўзаро манфаатли мунозара шаклида ўтди. Муҳокама этилган қонун лойиҳаларини маълумлаш ҳамда иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

Парламент сўрови ўз вақтида кўриб чиқилиши таъминланади

Мамлакатимизда ислохотлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Ҳар кун қайсидир соҳани такомиллаштириш, ҳаётимизнинг қай бир жаҳасини янада яхшилашга қаратилган ўзгаришлар юз бераётди. Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари эълон қилинапти. Албатта, бу қизгин жараён ҳуқуқий асос сифатида қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топиши табиий.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Кеча матбуотда эълон қилинган "Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мажлисида ушбу Қонунни муҳокама қилган эдик. Чўнки 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини буйича Харажатлар стратегиясида белгиланган вазифа — мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ислохотлар муносабати билан тайёрланган мазкур Қонун 38 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 27 та Қонунига ҳамда тўққизта Кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган салмоқли ҳўжатдир. Ҳўш, унда нималар назарда тутилган?

Бу Қонуннинг қабул қилиниши халқимизга қандай имкониятларни беради?

Авалло, Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тadbиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назорат органларининг тadbиркорлик субъектлари, улар ходимларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш бўйича функция, ваколатларини суд органларига босқичма-босқич беришни назарда тутуви янгиликлар киритилди. Бу суд ҳўкимиятининг тadbиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳамда ҳуқуқларини муҳофиза этишдаги ролини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда тadbиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий қораларни қўллашда ноҳилис ёндашувнинг олдини олади.

Кодексга киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан яна бири бевосита халқ вакиллари — депутатлар ҳамда сенаторлар фаолиятига тааллуқли бўлиб, давлат органи мансабдор шахслари томонидан парламент сўрови, депутат сўрови, сенатор сўровини кўриб чиқмай қолдирганлик ёки эрли сабабсиз кўриб чиқиш мuddатларини бузиш ёхуд улар бўйича ишонсизлиги аввалдан маълум бўлган маълумотларни тақдим этганлик учун жавобгарлик киритишни кўзда тутди. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 2015-2016 йиллар ҳамда 2017 йилнинг биринчи ярмида сенаторлар томонидан жами юборилган 772 та сўровнинг 163 таси ўз вақтида кўриб чиқилмаган. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, депутатга бевосандлик — халққа бевосандлик, деб баҳолашни шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўқсизлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради.

Мазкур Қонун билан амалдаги Маъ-

мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгариш давлат органлари мансабдор шахсларининг парламент сўрови, Сенат аъзосининг сўрови ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш учун масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Бу Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда халқимиз учун ниҳоятда муқаддас ҳисобланган, давлатимиз томонидан қатта эътибор қаратилган масала — оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга доир қўшимча киритилди. Оила кодексига ниҳондан ажралишларнинг олдини олиш, оилани низолатларни судга қадар тинч йўл билан ҳал этиш орқали оилаларнинг сақлаб қолинишига эришишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтиришга қаратилган тегишли қўшимчалар киритилди. Жумладан, унга мувофиқ, суд ҳамда Фуқаролик ҳолати далolatномаларини ёзиш органлари эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаб, ишини қилишини кейинга қолдирган тақдирда, эр-хотиннинг бирга яшаш жойиди

фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшашга бўлса, ҳар бирининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун қўндан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Қисқача айтганда, ушбу Қонун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим аҳамият касб этади. Парламентимизнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан назорат ваколатларини кучайтиришга, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартиришга, коррупцияга қарши курашишни таъсирчан механизмларини ўрнашга, оилалар тинчлигини мустаҳкамлашга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарали тизимини яратишга хизмат қилади.

Ҳолидjon КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламентимизга Мурожаатномасида 2017 йилга баҳо берад экан, халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди, деб айтишга тўла ҳақи эканимизни алоҳида таъкидлади.

Халқимиз ҳаётбахш янгилишлардан мамнун

Дарҳақиқат, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор максат ҳамда вазифаларни рўйбга чиқаришда муҳим қадам бўлди. Аввало, давлат органлари фаолиятида туб бурилиш кузатилди. Бунда "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғоя асосий мезонга айланган.

Иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини фуқаролар қониқиб-қониқиб энг юқори даражаси Сурхондарё (86,7 фоиз), Наманган (75,6 фоиз) ва Сирдарё (75 фоиз) вилоятларида аниқланди. Фарғона ва Жиззах вилоятлари аҳолисининг бу борада берган баҳоси мамлакат бўйича ўртача даражадан паст бўлди.

эса ёлғиз ва кексаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ҳамада тиббий ёрдамни ташкил қилиш саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолайди.



Дўстона муносабатларда амалий қадам



Шу муносабат билан пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстона муносабатлар тораба мустаҳкамланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили март ойида Қозоғистон Республикасига ташрифидан сўнг барча йўналишдаги, айниқса, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасидаги алоқалар янада кенгайди.

Саргузаштлар олами

Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри жамоаси болажонлар учун "Қор малакисининг қаҳри" деб номланган театрлаштирилган байрам томошасини тайёрлади.

Advertisement for the Andijon State Institute of Higher Education, listing various faculties and departments such as Medicine, Law, and Agriculture.

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯТЧИЛАРИ КУНИ

Анжуман аввалида меҳмонлар мамлакатимиз Қуролли Қучлари салохиятидан ҳикоя қилувчи кўргазма билан танишдилар. Ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган байрам дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Advertisement for the Andijon State Institute of Higher Education, listing various faculties and departments such as Medicine, Law, and Agriculture.

«Аскар оналарини шарафлаймиз!»

Андижон вилояти мусиқали драма театрида уюштирилган тадбир шундай номланди. Унга республикамизнинг турли вилоятларида ўз йигитлик бурчини ўтаётган андижонлик аскарларнинг оналари таклиф бўлди.

Advertisement for the Andijon State Institute of Higher Education, listing various faculties and departments such as Medicine, Law, and Agriculture.

XALQ BANKI

Чексиз ҳаётлик, чексиз имкониятлар

**Акциядорлик тижорат
Халқ банки жамоаси
юртдошларимизни Янги йил
билан муборакбод этади!**

**2018 йил —
Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар
ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили
барчамизга тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака ҳамда улкан муваффақиятлар
олиб келсин!**

Yangi yiliniz bilan!

Хизматлар лицензияланган.

HAMKORBANK
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Азиз ҳамюртлар!

**Сизни ва оила аъзоларингизни
2018 йил билан қизгин табриклаймиз!
Сизларга узоқ умр, тансиҳатлик,
дастурхонингизга барака, оилавий
хотиржамлик ва бахт тилаймиз.**

Барчага чексиз омадлар йили бўлсин!

*Янги — 2018
йилингиз билан!*

**«Hamkorbank» АТБ
жамоаси.**

0-800-1-200-200
www.hamkorbank.uz

Хизматлар лицензияланган.



Uzkimyosanoat

DEHQONOBOD KALIYLI O'G'ITLAR ZAVODI

**«Деҳқонобод калийли
ўғитлар заводи»
унитар корхонаси жамоаси**

жонажон Ўзбекистонимиз халқини

ЯНГИ ЙИЛ

билан самимий қутлайди!

**2018 йил барчамизга муборак бўлсин!
Ушбу йилда мамлакатимиз қудрати
ва фаровонлиги миқоли юксалсин,
эзгу орзу-пиётлар ўз ижобатиши топсин!**

Qishloq Qurilish Bank

*Корхоналар ва ташкилотлар
раҳбарлари диққатиغا!*

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ

**матнлар таржимаси
фаолияти билан шуғулланувчи
«аутсорсинг» ташкилотлар ўртасида
танлов эълон қилади.**

Танлов савдолари предмети — матнларни рус ва инглиз тилларига таржима қилиш.

Танловга тижорат таклифлари 2018 йил 10 январь куни соат 17.00 га қадар тақдим этилиши керак.

Танлов шартлари.

Таржима қилинадиган бетлар компьютер белгилари асосида ҳисобланади ва 1 стандарт бет 1 800 белгидан иборат бўлади.

Батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга ёки телефон рақамларига мурожаат этиш мумкин:
**100011, Тошкент ш., Навоий к., 18-«А» уй.
Тел.: (0-371) 150-72-63, 150-45-34.
www.qqb.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА
ЭЪЛОНЛАР**

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,

232-10-63.

E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуночилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 145. 144 165 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўриб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятта келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик яхатдан сифатини чоп этганига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мухассиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.00 Топширилди — 03.25 2 3 4 5 6